
“VODIY AGRO COTTON”

“VODIY AGRO COTTON” фермер хўжалиги 2023 йил ҳосили учун 25,7 гектар майдонда бошоқли дон экиб парваришлади. 75,7 центнер ишлаб чиқариш режаси белгиланиб, давлат хариди 36,8 тонна, биржа савдолари орқали сотиш 29,4 тонна, кластер эҳтиёжи учун 23,7 тонна харид қилиш режалаштирилган эди.

Эътиборли жиҳати, 2 кун ичида давлатга 90,5 тонна дон сотилиб, зиммадаги шартнома мажбурияти ортиғи билан адо этилди.

Бунга сабаб, фермер хўжалиги томонидан ҳар бир агротехник тадбирларни ўз вақтида бажарилганлиги туфайли мўл ҳосил тўпланди.

Яна бир гап, ғалладан бўшаган майдонлар пешма-пеш шудгорланиб, такрорий экин экишга тайёрланмоқда.

2023-06-08 09:33:06